



**Ҳар бир хонадон ободликка юз тутган**

2-с.

**Иссиқхоначилик: йилнинг тўрт фаслида даромадли меҳнат бор**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ


**2025 йил  
19 АПРЕЛЬ,  
ШАНБА**

# Маҳалла

**№32  
(2256)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## Маҳаллада янги лойиҳа



**Кўҳна Шаҳрисабз шаҳрида БМТ ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси келажак лойиҳаларни муҳокама қилди. Мулоқотда БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, фондлари ва агентликлари, Уюшма мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Сабине Маҳл хоним бугунги кунда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги ислохотлар БМТ томонидан қўллаб-қувватланаётганини алоҳида эътироф этди. Айтилган 150 га яқин кўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириляпти, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 10 дан ортиқ махсус резолюциялари қабул қилинди.**

**Учрашувда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг**

**бугунги кундаги фаолияти, келажакдаги режалари хусусида маълумот берилди. Тақдиротга кўра, “маҳалла еттилиги”нинг ўтган бир йиллик фаолияти давомида 4 901 та (52 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан, 2 930 таси (31 фоиз) оилавий ажралишдан, 1 795 таси (19 фоиз) ишсизликдан холи худудга айлантирилди. Аҳоли муурожаатларининг қарийб 80 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган тизим йўлга қўйилди.**

Давоми 2-саҳифада.

••••• ҲАМКОРЛИК

## БУГУНГИ СОНДА:

### Тақдирлашни қуйидан – маҳалла босқичидан бошлаш керак

Туман, маҳалла босқичида ўтказилаётган спорт тадбирларида тақдирлаш маросимлари жуда суз даражада ташкил этилади. Ҳали чиққан, ҳаракат қилган, қатнашган ёшлар эътибордан четда қолаётгани уларнинг кейинги иштиёқига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис спорт тадбирларида ёшларни тақдирлаш, уларнинг меҳнатини қадрлаш масаласига қуйи тизимдан бошлаб жиддий эътибор қаратиш лозим.

4-с.

Айни пайтда мамлакатимизда 9 452 та маҳалла мавжуд. Уларнинг қарийб 3 мингтаси бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатувчи кўп қаватли уйлардан иборат. Ҳовли уйлар жойлашган 6 минг 400 тадан ортиқ маҳаллада ободлик ишлари, асосан, ҳашар орқали амалга оширилган.



••••• ЖАРАЁН

## 208 ТА МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

**ЯНА 1 000 ТА “МАҲАЛЛА СЕРВИС КОМПАНИЯСИ” ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**

Шу боис 2024 йил июнь ойида таъриба тариқасида 208 та маҳаллада 23 турдаги хизмат кўрсатувчи “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Маҳаллаларни ободлаштириш, кўчалар ва ариқлар тозаллигини таъминлаш, кўчатлар экиш ва парваришlash мазкур ташкилотнинг вазифалари қаторига

киради. Бундан ташқари, улар шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Ўтган давр мобайнида ушбу компаниялар орқали 185 мингта хонадонга хизмат кўрсатилган. Бу йил Президент топшириғига биноан, яна 1 000 та “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти йўлга

қўйилади. Ушбу компаниялар яқка уйлар жойлашган барча маҳаллаларни қамраб олиши, кўрсатилаётган хизматлар сони камида 30 тага етказилиши мўлжалланган.

Режага кўра, Хитой таърибасидан келиб чиқиб, маҳаллаларга хизмат кўрсатиш учун 5 минг нафар мутахассис ўқитилади. Бу яна 15 минг кишини иш билан таъминлаш имкониятини яратяди.

**Эслаб ўтамиз, “Маҳалла сервис компанияси” фуқаролар йиғини кенгаши қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади. Компания хизматларига тўловлар қилиш учун маҳаллаларга ҳар ойда 20 миллион сўмдан маблағ ажратилади.**

6-с.



## ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИДА ФАОЛ БЎЛИНГ!

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор:

– Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда “еттилик” тизими – ноёб бошқарув усули яратилди. Аҳолининг катта қисмини ташкил этадиган йигит-қизлар қатлами билан ишловчи ёшлар етакчилари бу тизимнинг ажралмас ва муҳим вакилидир.

Бу фаолиятда маҳалла раиси етакчиларни ҳам ота, ҳам устоздек қўллаб-қувватлаб, тўғри йўл кўрсатиб келмоқда. Улар фаолиятида ҳар қандай муаммога дуч келса, масалалар туғилса, маҳалла раисининг маслаҳатига, керак бўлса, таърибасига таянади.

Шу маънода маҳалла раислиги учун ўтказиладиган сайловларда муносиб номзодларнинг сайланиши худуддаги ёшларнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Мен ҳам ўзим яшаётган Юнусобод туманидаги “Бободоҳқон” маҳалласида энг жанкуяр, ўзим ишонган номзодга овоз беришда иштирок этман.

Барча Ўзбекистон ёшларини маҳалла раислари сайловида фаол иштирок этишга чақираман!



## БАХТНИНГ ФОРМУЛАСИ БОРМИ?

**ТУРЛИ ИЛОВА ВА ДАСТУРЛАР ОРҚАЛИ ПУЛ ТОПИШ МУМКИНМИ?**





**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.**



**Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили Бобур шаҳрида расомлар фестивали ўтказилади. Ҳолибларга Президент совғаси сифатида автомобиль берилади.**



**Илк бор Андижонда "Имкониятлар олами" ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази ишга тушди.**

••••• ҲАМКОРЛИК

# Маҳаллада янги лойиҳа

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**"Қишлоқ жойларини барқарор ривожлантириш" лойиҳаси** доирасида Ислон тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт банки жамғармаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ажратилган грант маблағлари ҳисобидан бир қатор ҳудудларда замонавий талабларга жавоб берадиган маҳалла бинолари қурилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 40 та маҳалла биносидан 9 таси фойдаланишга топширилган, қолган 31 таси сентябрь ойига қадар қуриб битказилади.

Учрашувда барча мавжуд ва келгусидаги лойиҳаларга маҳал-

ла тизимини фаол жалб этиш, маҳаллалар негизда амалга ошириладиган дастурларни кенгайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш, таълим марказларини ташкил этиш ва "яшил" энергетика лойиҳаларини ривожлантиришга келишиб олинди.

**Шу кунги БМТ, БМТ Тараққиёт дастури, UNICEF, "Юксалиш" ҳаракати, Швейцария ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида янги лойиҳага қўл урилди.** Унинг биринчиси — Шаҳрисабз шаҳридаги "Зингирон" маҳалласида "Ёшлар маркази" иш бошлади. Мазкур лойиҳа ёшлар тараққиётига жамоавий ёндашувнинг яққол намунаси бўлди.

Ёшлар инновацион марказида 14-30 ёшли ўғил-қизлар рақамли




технологиялар, тадбиркорлик, хорижий тиллар, психология, жамоавий фаоллик ва касбий кўникмаларга ўргатилади. "Ёшлар билан бирга" тамойили асосида замонавий менежмент асосида бўйича таълим берилади. 2028 йилгача марказда 8 минг нафар ёш маҳаллий бошқарув жараёнларида иштирок этиши, 2 минг нафари замонавий кўникмаларга эга бўлиши режалаштирилган.

"Зингирон" маҳалласидаги "Ёшлар маркази" келгусида мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай марказларни ташкил қилиш учун намуна бўлади.

Меҳмонлар "Зингирон" маҳалласи "еттилик" фаолияти ва бир ерда ташкил этилган хунармандчилик кўргазмаси билан ҳам танишишди.

••••• ФИКР

# Тадбиркор фаолиятига ким тўсқинлик қиляпти?



Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда, маҳалла телеграм гуруҳларида гўёки "электр тармоқларни қорхонасиданмиз", деб одамлардан шул ундириб юрган фирибгарлар ҳақида хабар тарқала бошлади. Хўш, бу қанчаллик асосли? Ҳақиқатан улар фирибгарми? Ушбу саволларга жавоб излаб, мавзуга таҳлилий ёндашдик.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**

Чилонзор тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси берган маълумотга кўра, қатор телеграм каналларида эълон қилинган "Электр усталарни ёки фирибгарлар" сарлавҳаси остидаги фотолаҳза тезкор ўрганиб чиқилган. Ўрганиш натижаси бўйича расмий баёнот берилган. Унда қайд этилишича, электр тармоқлари компанияси ходимларига ўхшаш махсус кийимда уйма-уй юриб, шартнома асосида ўз хизматини тақлиф этган ишчиларнинг хатти-ҳаракати шубҳали, деб баҳоланган. Мазкур ҳолат юзасидан

бошқарманинг жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан тезкор-суриштирув тадбирлари олиб борилган.

Ўрганиш давомида муҳокама-ларга сабаб бўлган электр усталар аслида ким ва қандай ташкилот эканига аниқлик киритилган. Маълум бўлишича, махсус кийимда уйма-уй юрган аёллар фирибгар эмас, балки пойтахтимиз ҳудудида хизмат кўрсатувчи "Электр тармоқ монтаж ҳолатлари" масъулияти чекланган жамияти ишчилари бўлиб чиқди. Оддий қилиб айтганда, бу жамият аҳолига уй ёки хонадон ичида электр билан боғлиқ соғлаш, монтаж ва таъмирлаш хизматларини кўрсатади. Уларнинг ҳудудий бошқарув сервис компаниялари ёки туман электр тармоқлари

қорхонасидан фарқли томони ҳам айнан шунда.

Жамият директори Темур Кўчимовнинг айтишича, қорхона 2019 йилдан бери фаолият юритиб келади. 20 минг нафардан ортиқ мижозга эга. Аҳоли билан шартнома тузиш ихтиёрий бўлиб амалга оширилади. Туман ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини билан келишган ҳолда иш ташкил этилади.

Айрим ижтимоий тармоқ фаоллари, гуруҳ ва каналлар билиб-билмай нотўғри ахборот тарқатаётгани тўғрисида тўғри тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳисобланади. Шу боис улардан бу каби ёлғон ва асосиз маълумотлар тарқатмасликни сўраймиз.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасида кўтарилди, — дейди Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар

**бошқармаси бошлиғи Учқунбек Ирисбеков.** — "Электр тармоқ монтаж ҳолатлари" масъулияти чекланган жамияти палата аъзоси сифатида қонуний фаолият олиб боради. Жараёнда биз ҳам уларни қўллаб-қувватлаш, зарур ҳуқуқий кўмак кўрсатишга ҳаракат қиляптимиз.

Шу ўринда айрим ижтимоий тармоқ фаоллари, гуруҳ ва каналлар билиб-билмай нотўғри ахборот тарқатаётгани тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳисобланади. Шу боис улардан бу каби ёлғон ва асосиз маълумотлар тарқатмасликни сўраймиз. Палата ўз аъзоларининг манфаатини қонуний асосда ҳимоя қилишга доим тайёр.

Мақола тайёрлаш жараёнида жамият хизматидан фойдаланган айрим истеъмолчилар фикри билан ҳам яқиндан танишидик.

Олмазор туманидаги Қорақамиш 2/4, 12-уй, 14-хонадон эгаси М.Йўлдошевнинг маълум қилишича, жамият ходимлари шартнома асосидаги чакирувга биноан зал, йўлак ва ошхона ўчирғичларини янгисига бепул алмаштириб берган. Шунингдек, Юнусобод туманидаги 16-мавзе, 7-уй, 17-хонадон эгаси Умида Аҳмедова чакирув орқали бепул хизматдан фойдаланган. Шартнома асосида барча камчиликлар бепул бартараф этилган. Шу каби хизматдан фойдаланиб, муаммоси ҳал бўлган яна минглаб фуқаролар жамият ходимларига ўз миннатдорлигини билдирган. Уларнинг таъкидлашича, нархлар жуда ҳамёнбоп. 45 минг сўм тўлов эвазига йил давомида бепул хизмат кўрсатилади. Ваҳоланки, кўчада хусусий электр усталар бир донга ўчирғични 50 минг сўмдан ўрнатади.

Мухтасар қилиб айтганда, ноҳилис ва текирилмаган ахборотни тарқатиш орқали ҳар қандай инсоннинг ишчанлик оғриқ, шайни ва кадр-қимматига путур етказиш мумкин. Шундай экан, ижтимоий тармоқ фаоллари, маҳалла ходимлари ва фуқаролардан ахборот улашаётганда эътиборли бўлиш ва расмий манбалардан маълум олишнинг маслаҳат берамиз. Акс ҳолда қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

••••• ОБОДЛИК

# Ҳар бир хонадон ободликка юз тутган

**Аҳолининг турмуш тарзини юксалтириш, айниқса, қишлоқларда яшаш шароитини янада яхшилашда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини муҳим аҳамият касб этилди.**



**Саидамрон АСАНОВ, Избоскан туманидаги "Гулистон" маҳалласи раиси.**

лика кўрик-танловида 2-ўринни эгаллади.

Бизнинг маҳалла ҳам 2023 йилда танлаб олинди, ҳудудда қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилиб, муаммоларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилди. Ишчи гуруҳи хонадонларни ўрганиб, хатловдан ўтказди. Ўрганиш якунлари бўйича одамларни қийнаётган масала ва муаммолар аниқланди. Ута оғир шароитда яшаётган, уй-жойи таъмирлаш, ободонлаштиришга муҳтож, 4-тоифага кирган 18 та хонадонга кўмаклашилди. Бундан ташқари, "Темир дафтар"га киритилган 3 нафар, "Аёллар дафтари"даги 35 нафар, "Ёшлар дафтари"дан жой олган 2 нафар фуқаронинг муаммоси бартараф этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида "Гулистон" маҳалласи ҳақиқий гулистонга айланди. Маҳалладаги ҳар бир кўча, хонадонда ободонлаштириш, шунингдек, табиий газ, ичимлик сув ҳамда электр энергияси таъминотини яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Бундан каттароқ кичик беҳад хурсанд.

Эътиборлиси, жараёнда аҳолининг ташаббускорлиги, дахлдорлиги янада орди. Ҳар бир хонадон эгаси ўз уйи атрофини обод қилиш, йўл бўйларига гул ва дарахт кўчатлари ўтказишда фаоллик кўрсатди. Аксарият хонадонларга кирсангиз, ободликдан бахри дилингиз очилади. Мисол учун, Шаҳобиддин ота Хўжаев яшаш уйи "Обод хонадон" республи-

Бу оилга кўпларнинг ҳаваси келади. Битта ҳовлида 3 та ҳужалик вакиллари истиқомат қилади. Оила бюджетини шакллантириш учун уч турдаги йўналиш — дехқончилик, чорвачилик, тикувчилик танлаб олинган. Хонадонда фойдаланиладиган ер майдони 10 сотих. Бир сотих ерда 500 түп "клен" навли дарахт кўчати парваришланяпти. Ушбу беш йиллик манзарали дарахтнинг ҳар бири одамларни қийнаётган масала ва муаммолар аниқланди. Ута оғир шароитда яшаётган, уй-жойи таъмирлаш, ободонлаштиришга муҳтож, 4-тоифага кирган 18 та хонадонга кўмаклашилди. Бундан ташқари, "Темир дафтар"га киритилган 3 нафар, "Аёллар дафтари"даги 35 нафар, "Ёшлар дафтари"дан жой олган 2 нафар фуқаронинг муаммоси бартараф этилди.

Чорвачилик йўналишида 6 донга ёш қорамол парваришланади. Йиллик фойда 60 миллион сўм. Хонадон келини Мухайё Хўжаева икки нафар қизлари ёрдамида тикувчилик билан шуғулланади. Даромад ойига 4 миллион сўмини ташкил этади. Хонадон эгалари кам меҳнат, кам харажат қилиб, кўп даромад топишга эришяпти.

Мухими, бу каби оилалар сони кундан-кун ортиб бораёпти. Маҳалладаги ўзгаришлар ҳар бир оилга кириб борапти, одамларини фаолликка, ўз уйини озода сақлашга ундаяпти.

# Комиссиялар қандай ваколатга эга?

**Нурмат БОТИРОВ.** Чирчиқ шаҳри:

— Маҳалла раиси сайловида жараёни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари қандай ваколатга эга?



**Баҳром КУШБАКОВ,** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маъсул ходими:

— Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари жумласига қуйидагилар кирди:

— Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;

туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш; сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини, шунингдек, сайлов бюллетенларининг намуналарини ва шакллари тасдиқлаш; туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш; аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш.



Жорий йилнинг октябр ойида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган ЮНЕСКОнинг 43-сессияси доирасида 14-ЮНЕСКО Ёшлар форуми ташкил этилади.



Хонободдаги “Кампировот”, Булоқбошидаги “Ширмонбулок”, Хўжаободдаги “Тош ота” маҳаллаларида туризм масканлари ташкил қилинади.



Ёшлар ишлари агентлиги директори бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТ Ёшлар офиси раҳбари Фелипе Паулиер билан учрашди.

## Бодринг экин мавсуми бошланди



Айни шу кунлар бодринг экин мавсуми ҳисобланади. Демак, бу борадаги тавсиялар томорқа эгалари учун фойдали бўлади. Агар сиз ҳам томорқада бодринг еттиртмоқчи бўлсангиз, қўйидаги маслаҳатларга амал қилинг!

Алижон ЭСОНКУЛОВ, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.

### ТОМОРҚА МАКТАБИ



Бунинг учун, аввало, ер тайёрлаб олинади. Бодрингни унумдор, бўз ва ўтлоқи бўз тупроқларга экин мақсадга мувофиқ. Уруғ экиладиган майдон ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. Бир сотихга 200 кг. (10 сотихга 2 тонна) ўғит солинади. Тупроқ 30-35 см. чуқурликда юмшатилади. Йирик кесаклар майдалангач, яхшилаб текисланади ва суғориш эгати олинади.

Эртанги бодринг жанубий минтақаларда очик майдонда 1-10 апрель, водий вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларда 20-30 апрель, ўрта мудатда жанубий вилоятларда 20 апрель — 5 май, марказий минтақаларда жойлашган вилоятларда 1-10 май, шимолда 1-15 май, кечки бодринг жанубда 10-20 июлда, марказий минтақаларда 15-30 июнь, шимолий минтақаларда 15-25 майда экилади. Эртанги маҳсулот етиштириш учун 70+140/2×40 см. шаклда уруғ қадалади. Бу жараёнда қаторлар ораси 70 см., пушталар ораси 140 см., ўсимликлар оралиғи 40 см.ни ташкил этади. Уруғлар қўлда 4-5 см. чуқурликка экилади. Унинг сарфи бир сотихга 20-30 граммга тўғри келади.

Ниҳол униб чиққач, биринчи ва учинчи чинбарг пайдо бўлгандан кейин иккинчи марта яғана қилинади. Қатор оралиғини 15-16 см. чуқурликда ўсимлик атрофи билан юмшатиб туриш, минерал озуқа ва сув бериб бориш керак. Сувга талабчанлиги жиҳатидан бодринг сабзавот

экинлари орасида биринчи ўринда туради. Найчалаш ва меваси етила бошлаган даврда кўп сув талаб қилади. Сизот сув яқин жойларда 8-9 марта, сув чуқур жойлашган майдонда 12-14 марта суғорилади. Ҳар икки-уч суғоридан кейин қатор оралиғи 15-16 см. чуқурликда юмшатиб борилади.

Бир сотих ердаги бодринг соф ҳолда 5,8 кг. сульфат аммоний, 2,2 кг. аммофос, 1,5 кг. калий хлор ўғити билан озиклантирилади. Ўсув даври давомида 1-2 марта кўшимча модда берилади.



● Экиладиган майдон экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозаланади. Бир сотихга 200 кг. ўғит солинади. Тупроқ 30-35 см. чуқурликда юмшатилади.

Аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали одамлар ҳаётини фаровонлаштиришда томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу бонс мамлакатимизда томорқачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.



## ИССИҚҲОНАЧИЛИК: ЙИЛНИНГ ТўРТ ФАСЛИДА ДАРОМАДЛИ МЕҲНАТ БОР

Абдумутал ОРИПОВ, Асака туманидаги “Отиш” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламиз яхши тажриба яратган. Отишликлар томорқадан унумли фойдаланиш, халқимиз дастурхонини иссиқхонада пишиб етилган ноз-неъматлар билан тўлдириб, кўчат етиштириш орқали катта даромад топяпти. Худудда 810 та хонадон бўлиб, уларнинг 805 тасида иссиқхона мавжуд. Бундан ташқари, 204 та хонадонда чорвачилик, 81 тасида паррандачилик йўлга қўйилган. Асосий “драйвер” — иссиқхоначилик. Аҳоли ўз томорқасида ердан бир йилда 3 мартагача ҳосил олади. Шу орқали ишсизликдан, камбағалликдан ва жиноятчиликдан холи худудга айланади. 2024 йилда 15 та камбағал, эҳтиёжманд оилага иссиқхона куриб бердик.

Яна бир эътиборли жиҳати — мазкур иссиқхоналарда кўплаб кишилар доимий ва мавсумий иш билан банд бўляпти. Аксариятида қишнинг охири ва эрта баҳорда бодринг, помидор, булғор қалампир кўчатлари етиштириб сотилади. Кўчатлардан бўшаган майдонга яна кўчат экилиб, парваришланади. Икки ой ичида ҳосил олинади. Шу тариқа миришкорлар йилнинг тўрт фаслида бозорни сифатли ва витаминга бой помидор, бодринг, булғор қалампир, кўчатлар билан тўлдириб келади. Мисол учун, Эркин Ражабов ишсиз сифатида рўйхатда турарди. 2022 йилда унга субсидия асосида бир сотих иссиқхона

куриб бердик. Натижада ўзини ўзи банд қилди. 2024 йилда имтиёзли кредит асосида иссиқхона ҳажми икки сотихга етди. Бу фуқаро рўйхатдан чиқарилди. Максуда Эгамбердиева ҳам имтиёзли кредит асосида барпо этилган 2 сотихли иссиқхонада кўшимча даромад топяпти.

Бозорбой Собиров 30 йилдан бери кўчатчилик билан шуғулланади. Хонадонидagi 16 сотихли иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампир кўчатларини парваришлайди. Бир мартада бир миллион дондан кўчат етиштиради. Кўчатларга кўшни вилоятларда ҳам талаб юқори. 40 тагача мавсумий иш ўрни яратган. Еш тадбиркор Сардорбек Турсунбоев ижара асосида бир гектар ер олиб, иссиқхона ташкил этган. Бу ерда 10 та доимий, 25 та мавсумий иш ўрни яратилган. Асосан, помидор, бодринг, булғор қалампир кўчати етиштиради. Йилига 3 марта ҳосил олади.

### ТАШАББУС

“Еттилик” ташаббуси билан маҳаллада касбга ўргатиш ўқув курслари ташкил этилган. Тингловчилар нафақат маҳсулот етиштириш, балки бозор топиш, экспортга тайёрлаш каби кўникмаларга эга бўляпти.

Бир сотих иссиқхонага ўртача 30-35 минг дона кўчат уруғи экилади. Харажат 30-35 млн. сўмни ташкил қилади. Йиллик даромад ўртача 40-45 млн. сўм бўлади. Хонадонлардаги 5-15 сотихлик иссиқхонадан йилига 200-250 млн. сўм даромад топиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ҳаракат, меҳнат қилган одам шунга яраша даромад топиб, эл дастурхони тўкин, бозорлар арзон бўлишига хисса қўшапти. Томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш орқали бой бўлаётган оилалар сони йилдан-йилга ортиб борапти.

● Иссиқхоналарда кўплаб кишилар иш билан банд. Аксариятида қишнинг охири ва баҳорда бодринг, помидор, булғор қалампир кўчатлари етиштириб сотилади.



## Бир вақтда болалар нафақаси ва моддий ёрдам олиш мумкинми?

Сарварой АЛИШЕРОВА, Чортоқ тумани:

— Маълумки, болалар нафақаси ва моддий ёрдам ажратиш тизимини шаффоф ҳамда адолатли бўлиши учун “Ижтимоий ҳимоя яғона реестри” орқали белгилаш йўлга қўйилган. Жорий йил аризам қанотлантирилиб, болалар нафақаси тайинланди. Шу вазиятда моддий ёрдам нафақасини ҳам олишим мумкинми? Бир вақтда ҳар икки нафақа белгиладими?

Зайниддин ОРОЛОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассиси:

— Президентнинг “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб, 18 ёшгача фарзандлари бўлган кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси тўланади. Кам таъминланган оилаларга болалар нафақасининг миқдори оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, яқка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.



Мана шу икки қарама-қаршилиқнинг ўзи бу икки нафақанинг бир вақтда олиб бўлмамлигини англатади. Яъни болалари 18 ёшга тўлмаган оила моддий ёрдам ололмади. Аксинча, 18 ёшдан катта фарзанди борларга болалар нафақаси тайинланмайди.

## Янги ташаббус ўсиш нуқтасига асос бўлди

Янги Наманган туманидаги “Келажак тонги” маҳалласида аҳоли фаровонлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш мақсадида самарали ташаббус амалга оширилди.

Маҳалланинг 1-Тараққиёт кўчаси орқали оқиб ўтувчи 1,2 км. узунликдаги ариқда ўрдак боқиб йўлга қўйилди. 100 та хонадон олдидаги фойдаланилмай турган ариқларда 100 дондан ўрдак парваришlash режа қилиняпти. — Бу лойиҳа орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, кўшимча даромад манбаини яратиш ҳамда иш ўринларини кўпайтириш кўзда тутилган. — дейди маҳалла раиси Зоҳид Аббосхўжаев. — Мазкур ташаббус ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, табиий захираларни иқтисодий манфаатга айлантириш йўлида муҳим қадам ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши маҳалладаги фаровонлик ва ислохотлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир хонадонда икки кишининг бандлиги таъминланса, янги ташаббус ортидан 200 та янги иш ўрни яратилади.



Ўзбекистон ва Германия ўртасида грант маблағларини жалб қилиш бўйича битим имзоланди.



Ўзбекистонда Имом Мотуридидийнинг 1155 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда.



Жорий йилнинг дастлабки чорагида “Инсон” марказлари томонидан жами 1 млн. 238 мингта ариза қабул қилинган.

ИМКОНИАТ

# ТАЛАБАЛИККА ШАРОИТИМ ЙЎК ДЕЙИШГА АСОС ҚОЛМАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда олий таълим тизими жадал ислохотлар жараёнига юз тутмоқда. Аҳоли орасида олий таълимга бўлган талаб ортиб бораётган бир пайтда давлат томонидан таълимга ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам пичил ошиб бораётган.

**Б**ироқ айни пайтда кўплаб ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун олий таълим ҳали ҳам молиявий жиҳатдан қийин масала бўлиб қоляпти. Шу сабабдан ижтимоий тоифадаги ўзлаштириши юқори бўлган талабаларни кўплаб-қувватлашга қаратилган янги — **қўшимча давлат гранти тизими жорий этилди.** Аввалги тартибда талабалар учун давлат гранти, асосан, кириш имтиҳонларидаги натижаларга қараб бир марталик тарзда ажратилар эди. Яъни ўқишга киришда грантга эга бўлмаган талаба кейинги йилларда академик ютуқлари қай даражада бўлишидан қатъи назар, шартнома асосида ўқишни давом эттирарди. Бу эса кўплаб меҳнаткаш, бироқ молиявий имконияти чекланган талабалар учун катта тўсиқ эди. Эндиликда агар талабанинг

ўртача баҳо кўрсаткичи 4 ва ундан юқори бўлса ҳамда у ижтимоий тоифага мансуб бўлса, талаба кейинги ўқув йили учун қўшимча давлат грантига даъвогар бўлиши мумкин. Янги тизим икки асосий йўналишда жорий қилинади. **Биринчидан**, давлат олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, ўртача баҳоси 4 ва ундан юқори бўлган ижтимоий тоифадаги талабалар ҳар йили 20 июлгача рўйхатдан ўтиб, 25 июлгача комиссия томонидан кўриб чиқилган ариза асосида навбатдаги ўқув йили учун давлат грантига эга бўлиши мумкин. Натижалар 5 сентябрга қадар эълон қилинади. **Иккинчидан**, молиявий мустақилликка эга олий таълим муассасалари ўртача баҳо кўрсаткичи 3,3 дан юқори бўлган ижтимоий тоифадаги талабаларни ўз ҳисобидан кўплаб-қувватлайди. Бу жараёнда шартнома тўлови баҳо даражасига қараб, 20 фоиздан 80 фоизгача қоплаб берила-

ди. Бу маблағлар олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ресурслари ҳисобидан ажратилади. **Мазкур тартиб ёшлар учун жуда катта аҳамият касб этади.** Аввало, билимга чанқок ва интилувчан талабалар ўзлаштириш натижалари асосида тақдирланади, бу уларнинг ўқишга бўлган иштиёқини кучайтиради. Шу билан бирга, моддий имкониятлари чекланган, бироқ иқтидорли ёшлар учун олий таълимда ўқишни давом эттириш имкони кенгайди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий тенглик тамойилининг амалда қўлланилишига хизмат қилади. Шунингдек, мустақил грант тизимининг ривожланиши олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиб, ҳар бир университетни иқтидорли талабаларни ушлаб қолиш ва жалб этишга ундайди. Натижада таълим сифати ҳам, ёшлар орасидаги келажақ учун интилиш ҳам сезиларли даражада ортади.



Хулоса қилиб айтганда, янги грант тизими — нафақат давлат томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни кўплаб-қувватлаш

чораси, балки ёшларнинг билим ва меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни келажақ сари етаклаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Шахноза ХАЛИЛОВА. “Mahalla”

МАНЗАРА

# Тақдирлашни қуйидан — маҳалла босқичидан бошлаш керак



Ёшлар етакчилиги сифатида ҳар қиши ўзининг тешдошларим — маҳалламиздаги ёшларнинг орзулари, муаммолари, ниғтилишлари билан яшайман. Ҳар бир йилги-қизининг кўзида ёнган умид чакнашини, улар ўзига ишониб, кичик бўлса-да, бир нш бошлаётганини кўрганимда, гурур туяман. Чунки бу бизнинг меҳнатимиз, бизнинг биргалликдаги ҳаракатларимиз самарасидир.

Элдор ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ховос туманидаги “Совот” маҳалласи ёшлар етакчиси.

**М**аҳалламизда ҳозирда 806 нафар ёш истиқомат қилади. Худудимиз бироз чеккароқда жойлашган бўлса-да, бу ернинг ҳар қарич тупроғида барака, ҳар бир ёшида куч-ғайрат бор. Айнан шунинг учун йигит-қизлар қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқончилик соҳаларида ўзини кўрсатишга астойдил

бел болаган. Биз эса улар учун керакли шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Эҳтиёж ва имкониятларни инобатга олган ҳолда, ёшларни ер билан таъминлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари йўлга қўйилган. 30 йиллик ижара асосида ер ажратиш ва кредитлар орқали ёшларга мустақил фаолият бошлаш учун замин яратилди. Айни пайтда ёшларнинг 30 фоизи деҳқончилик, 25 фоизи чорвачилик билан шуғулланаётган. Шунингдек, маҳалламизда томорқадан самарали фойдаланиш борасида ижобий тажрибалар шаклланган.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

# ҲОМИЛАДОР АЁЛ БИЛАН АЖРАШИШ МУМКИН ЭМАС!

Сарвар ЙЎЛДОШЕВ. Учқудуқ тумани:

— Ҳомиладор ҳолда фарзанд туғилмасдан аёл билан ажрашсам бўладими? Бу тўғрисида бирор қонуний чора борми?



Мирзохид МАҲМУДОВ, Учқудуқ тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси:

— Оила кодексининг 39-моддасига биноан, хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас. Шунингдек, Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига кўра, юқоридаги қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. Шунга кўра, сиз бола туғилиб, у 1 ёшга тўлгунча ажрашишга ариза бера олмай-сиз, берсангиз ҳам фойдасиз. Суд барибир қўришни рад қилади. Лекин аризани аёлингиз берса, суд ишни кўриб чиқади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

# “Жийдабулоқ” да асрий орзулар ушалди

Боботоғ этакларида жойлашган 400 йиллик тарихга эга “Жийдабулоқ” маҳалласида сўнгги кунларда аҳоли ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди.



Тоғли худудда истиқомат қилувчи 370 нафардан ортиқ аҳоли ва 60 дан зиёд хонадон учун узок йиллик муаммолар ҳал этилди: ичимлик сув тармоғи тортилди, янги тиббий маскан фойдаланишга топширилди.



Айтиш керакки, йиллар давомида сув танқислиги аҳолининг кундалик ҳаётини қийинлаштириб келган. Ниҳоят, саховатпеша инсонлар ҳомийлигида маҳаллага 4000 метр узунликдаги ичимлик сув қувурлари ётқизилди. Эндиликда чучук сув ҳар бир хонадонга етиб боради.

— Сув муаммоси ҳал этилиб, ҳозир чучук сув худуднинг юқори қисмидача келтирилди, — дейди маҳалла раиси Уткир Эматов. — Оби-ҳаёт ҳар бир хонадонга кириб борди ва фаровонлигини таъминлашга замин яратди. Шунингдек, тиббий хизмат борасида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Утган асрнинг 80-йилларида ҳашар йўли билан қурилган шиғоркорлик пункти йиллар давомида эътиборсиз қилиб, харобага айланган эди. Аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида янги оилавий шиғоркорлик пункти барпо этилди. Бу ишда халқ бир ёқадан бош чиқариб, катта жонбозлик кўрсатди. Тоғли худудда яшаш доимо синовли кечган. Аммо бундай эзгу ташаббуслар орқали “Жийдабулоқ” аҳолиси учун янги давр, фаровон ҳаёт эшикларини очмоқда.



Ўзбекистон делегацияси Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг йиғилишида қатнашди.



2025 йил 1 июлдан босқичма-босқич ҳудудий инспекцияларда Қурилиш объектларини онлайн кузатиш маркази ташкил этилади.



Шу йил 15 июндан бошлаб "Афросиёб" тезуорар поездлари ҳаракати жадвалига ўзгартиришлар киритилади.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

# 80 та корхона фаолияти тиклангач, 104 та иш ўрни яратилди

Гурлан туманидаги 50 та маҳаллага 18 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан олиб борган тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида 242 та корхонадаги 530 нафар норасмий ишловчи фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Уларга берилган иш ҳақи ҳисобига бюджетга қўшимча 58,8 миллион сўм даромад солиғи ҳисобланди.

**Ромон ОТАЖОНОВ,**  
Хоразм вилояти солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи.

Турли сабаблар билан фаолияти вақтинча тўхтаб қолган тадбиркорлар фаолиятини тиклаш борасида самарали ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, 80 та корхона фаолияти тикланиши натижасида 104 та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, қаровсиз ётган 59 та бўш объект ишга туширилди. Шунингдек, маҳаллаларда ўтказилган хатлов натижасида ноқонуний фаолият кўрсатаётган 91 нафар тадбиркор фаолияти қонунийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бугунги кунда қўлида ҳунари бор ёки уйда яққа тартибда маълум фаолият тури билан

шўғулланиб келаётган фуқаролар кўп. Уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, иш стажига эга бўлиши учун солиқ хизмати органлари амалий ёрдам кўрсатиб келяпти. Жумладан, “маҳалла еттиги” билан биргаликда яширин иқтисодийни жийовлаш мақсадида туманда 4 717 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали рўйхатдан ўтказилиб, муайян фаолият турлари билан шўғулланиши таъминланди. Тадбиркорликка дастлабки қадамни қўйган бундай фуқаролар даромад топишга ўрганиб, кейинчалик йирик тадбиркорга айланыпти. Қўни-қўшилари ҳам уларга ҳавас қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида “маҳаллабай” ишлаш тизими натижасида туманда

616,4 миллион сўмга яқин қўшимча манбалар аниқланди. Жисмоний шахсларнинг турар жой объектлари бўйича ҳисобланган солиқлардан 2 миллиард 844 миллион сўм миқдоридagi солиқлар ундирилиши таъминланди. Натижада йиғилган сумманинг 10 фоизи, яъни 284,4 миллион сўм маблағ маҳаллалар бюджетига қолди.

Бундай натижаларга эришишда маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторларининг ҳиссаси катта. Тумандаги “Жалоир”, “Нукус” ва “Шодлик” маҳаллалари солиқ инспектори Равшанбек Раҳмонов улардан бири.

– Ҳозирда менга бириктирилган маҳаллаларда 40 та юридик шахс, 8 та фермер ҳўжалиғи, 1 102 та



деҳқон ҳўжалиғи, 95 нафар яққа тартибдаги тадбиркор, 1 662 та мол-мулк, 1 483 та ер солиғи ҳамда 68 та декларация асосида солиқ тўловчиси бор, – дейди Равшанбек Раҳмонов. – Уларга доимий қўмак кўрсатиб келяпмиз.

Натижада биринчи чорада 112 миллион сўм қўшимча манба аниқланди. Энг асосийси, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг манбалари сифатида мол-мулк ва ер солиғининг 10 фо-



Натижаларга эришишда маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторларининг ҳиссаси катта.

изи ҳамда бўш турган кўчмас мулкни сотиш ва биналар ижараси ҳисобидан 258 миллион сўм миқдорида солиқ тушуми ундирилди.

Фаолиятимиз давомида аҳолига томорқа ва деҳқон ҳўжалиқлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага замонавий бошқаруви тизimini жорий этиш, юқори даромадли ва экспортбон маҳсулотлар етиштиришни тарғиб этиб келяпмиз. Бу борада ҳоким ёрдамчиси ҳар чорак бўйича ўрганиш ишлари олиб борапти. Ўрганишлар давомида томорқа ва ижара ерларига экин экмаган ёки қаровсиз қолдирган фуқаролар аниқланса, уларга шптезли кредитлар ажратилмаслик, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқаролар учун ёрдамлар тўхтатилиши, ер солиғи ставкаси 3 қарра миқдорида ҳисобланиш чоралари қўлланиляпти.

Бугунги кунда маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторлари яширин иқтисодийни жийовлашда амалий натижаларга эришляпти. Агар тадбиркорларни қонуний, ҳалол ишлашга ўргатсак, бюджетга солиқ тушумлари янада ўсиши таъминланади.

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ

# ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАММИЗ

Ахборот бутун дунёда глобаллашув жараёни зўр шиддат ва кенг миқёс касб этиб бораётган ҳозирги даврда омак тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди. Шу маънода фуқароларнинг ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш оммавий ахборот воситаларининг бирламчи бурчидир.

**Бернора СОДИҚОВА,**  
ИИБ Бирлашган тахририяти Бош муҳаррири, полковник.

Х аёт кўзгуси ҳисобланган матбуотнинг мамлакатимизда “тўртинчи ҳокимият”га тенглаштирилиши, бир жиҳатдан, биз учун ғоят фахрли бўлса, бошқа томондан, зиммамизга залворли масъулият юкляйди. Эеро, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган жаҳид боболаримизнинг “Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг куёши, ҳар кимнинг виждонига тугтилган кўзгу бўлмоғи лозим”, деган фикрлари бугунги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан 95 йил муқаддам, яъни 1930 йилнинг 12 май куни “Постда” ва “На посту” газеталари илк бор дунё юзини кўрган эди. Ушбу нашрлар саҳифаларида мамлакат тинчлиғи, эл осойишталигини асраш учун олиб борилётган ишлар ёритилиши баробарида, ички ишлар органлари ходимларининг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий онги ва тафаккурини ошириб бориш, шунингдек, уларнинг жиноятчиликка қарши курашиш йўлидаги фидокорона хизматларини кўрсатиш каби олий мақсадлар кўзланган.

Истиқлол арафасида, аниқроғи, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида – собиқ иттифок таркибидagi республикалар бирин-кетин ўз мустақиллигини қўлга кирита бошлаган бир даврда вақтли матбуотда ҳам эркинликлар бўй кўрсатди. Ана шундай долғали ўзгаришлар рўй бераётган бир паллада республикамизда бир қатор янги нашрлар пайдо бўла бошлади. Нашр этилиши вақтинча тўхтатилган “Постда” ва “На посту” газеталари ҳам ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди. Кадрдон газеталарини илҳақ бўлиб кутаётган муштарийлар қўлга нашрларнинг ўз вақтида етиб боришида ташаббускор ва қатъиятли бош муҳаррир, полковник Зокир Атаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Истиқлол йилларида нафақат нашрлар адади ошди, балки муштарийлар газеталар билан бир қаторда янги ташкил қилинган “Калқон” ва “Шит” журналларини ҳам севиб ўқийдиган бўлди. Ижодий жамоа номи эса “Бирлашган тахририят”



“Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг куёши, ҳар кимнинг виждонига тугтилган кўзгу бўлмоғи лозим”.

деб юритила бошланди. Нашрларда ўқувчиларга манзур бўладиган янги рухлар ташкил қилиниб, қизиқарли детектив хикасалар ва муштарийлар ижодидан намуналар, тарихий, мулоҳазага чорловчи, таҳлилий-танқидий мақолаларнинг чоп этилиши муштарийлар сонининг ошишига олиб келди.

Бугунги кунда ИИБ Бирлашган тахририятининг “Postda-На посту” газетаси ва “Qalqon-Шит” журнали ходимлари давр билан ҳамнафасликда юксак мақсадлар сари дадил одимламоқда. Хусусан, postda.uz веб-сайти ва телеграм канали мунтазам фаолият юритиб, интернет тармоғи орқали ички ишлар органларининг ижобий қиёфасини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ижодий жамоамиз сўнгги йилларда нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки МДХ давлатларида ўтказиб келинаётган кўплаб танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Масалан, 2023 йили “Олтин қалам” XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловида “Postda-На посту” газетаси “Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида энг яхши ёритилган материаллар учун” рағбатлантирувчи мукофотига лойиқ, деб топилди. Айнан шу йилнинг ўзида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини

ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танловида “Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр” номинациясида Фахрли 2-ўринни эгаллашга мушарраф бўлди.

Тахририятимиз жамоаси замон талабларига мос равишда фаолият олиб бориб, ўтган йили МДХга аъзо мамлакатларда уюшган ҳамда бошқа оғир турдаги жиноятларга қарши курашишни мувофиқлаштириш Бюроси (БКБОП) томонидан ўтказилган видеороликлар танловида “Замонамиз қахрамонлари” номинацияси лауреати бўлди.

Жамоа тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак ушбу юксак мукофотлар ходимларимизнинг машаққатли ва сермаҳсул ижодий меҳнатлари самараси, албатта. Қолаверса, муҳбирларимиз орасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг “Энг улуғ, энг азиз”, “Атиргул”, “Йилнинг энг фаол журналисти” ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғи ташаббуси билан ўтказилган “Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши материал” танловларининг ғолиблари борлиғи ижодий жамоа салоҳиятидан далолат беради.

Бугун ўзининг 95 йиллик тўйини қаршилайётган “Postda-На посту” газетаси аллақачон жамиятда муносиб ўрнини топишга улгурди. Ўртимиздаги минглаб хондонларга кириб бориб, оддий оилалар фарзандларини ички ишлар органлари ходими бўлишга қизиқтиришдан тортиб, уларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи ижод намуналари чоп этиладиган том маънодаги ҳуқуқий-маърифий нашрга айланди, десак, асло муволаға бўлмайди.

Ишончимиз комил: эзгу мақсадлар йўлида ҳамжихатликда қалам тебратётган аҳил жамоамиз келгусида ҳам янгидан-янги марраларни забт этиш иштиёқида қизгин ижодий изланишларда давом этади.




## ХАБАРДОРМИСИЗ?

# ТОВАРЛАРНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИГИНИ ТЎҒРИ КЎРСАТИНГ!

Электрон ҳисобварақ-фактураларни тўлдиришда маҳсулот ва хизматларнинг идентификация коди ҳамда товарларнинг ўлчов бирлиги кўрсатилиши шарт.

неча баробар қиммат нарх келиб чиққан.

Ўлчов бирликлари ёки товарлар миқдорини нотўғри кўрсатиш маълум салбий оқибатларга, жумладан, сотилган товарлар нархининг ҳақиқий ҳолати бузилишига, товарлар ҳаракатини назорат қилиш қийинлашишига, солиқ ҳисоботларини топширишда



Ч унки солиқ органлари солиқ тўловчилар юборган электрон ҳисобварақ-фактуралар ва онлайн назорат-касса машинаси чекларини таҳлил қилганда ЭХФни расмийлаштиришда ва фискал чекларда йўл қўйилган хатоликлар товарлар учун асоссиз нархларнинг шаклланишига олиб келиш ҳолати кузатилган.

Масалан, жорий йилнинг январь ойида бир корхона бошқасига ёғоч сотган. Сотувчи электрон ҳисобварақ-фактураларни шакллантиришда 1 кубометр ёғоч нархини 13,4 миллиард сўм кўрсатган. Натижада кичкинагина шкаф ўлчамидagi ёғоч нархи анча қимматга айланган. Яна бир корхона 1000 дона фиштни сотиб, 600 миллион сўмлик ЭХФ расмийлаштирган. Кўриниб турибдики, этиборсизлик сабаб 1 дона фишт учун 600 минг сўм, яъни бозордаги реал нархидан бир

саволлар кўпайишига олиб келади. Шу боис хатоликларга йўл қўймаклик учун солиқ тўловчиларга маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодларини ва уларга берилган ўлчов бирликларини диққат билан ва аниқ кўрсатиш тавсия этилади. Буни инобатга олган ҳолда қурилиш материаллари, юқори ликвидли бўлса бошқа товарлар учун қатъий ўлчов бирликлари бириктирилган.

Эндикда киритилган айрим хизматлар юзасидан электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириладиганда қатъий ўлчов бирликларидан фойдаланиш лозим. Бу товар (хизмат)лар ҳисобини юритишнинг аниқлигини оширишга, ҳужжатлар айланмишида маълумотларнинг бир хиллигини таъминлашга ҳамда ЭХФ расмийлаштиришда хатоликлар ва суиистеъмолликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.



**Жорий йил 18 апрелдан бошлаб Фаргона – Урумчи – Фаргона йўналишида авиапарвоз йўлга қўйилди.**



**Ўзбекистонда жорий йилнинг I чорагида 162 665 нафар шахсга нисбатан 138 557 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди.**



**Сўнги йилларда 2 миллиондан ортиқ оила ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамраб олинди.**

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ТАҚДИРЛАР

# Куруқ ваъда — вақтинчалик умид, холос!



ХУДУДИМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 5 ТА КЕЙС ОЧИЛДИ.



**Маҳмуд ОТАЖОНОВ, Урганч шаҳридаги “Жингавуз” маҳалласи ижтимоий ходими.**

орасидан 4 нафарига реабилитация қилишнинг техник воситалари ва протез-ортопедия мосламалари тақдим этилди. Хусусан, сайр учун арава, ҳасса ҳамда мураккаб ортопедик пойабзал шулар жумласидан. Яна 4 нафар шахсга тиббий кўриқдан сўнг ногиронлик гуруҳи тайинланди.

Фаолиятим давомида кам таъминланган оилалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратяпман. Аввало улар 44 тани ташкил этган бўлса, ўрганишлар натижасида 30 тага

қисқартиришга эришдик. Рўйхатдан чиқарилганлар аста-секин ўз устида ишлашга, меҳнат қилишга ҳаракат қилишяпти.

Худудимизда жорий йил бошидан буён 5 та кейс очилди. Хар бир ҳолат бўйича комплекс хизматлар кўрсатилиб, фуқароларнинг қатор муаммоларига ечим топилди. Хусусан, 1982 йилда туғилган Нилуфар Аҳмедовада II гуруҳ ногиронлиги мавжуд. Узоқ йиллардан буён полиартрит хасталигидан азият чекиб келмоқда. Аёлга даволаниши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилди. Реабилитация марказида саломатлигини тиклаши учун махсус ордер расмийлаштирилди. Май ойида навбати келиши кутилмоқда.

Нилуфар опанинг вояга етган ўғли иш қидираётганидан хабар топгач, дўконда сотувчи сифатида банд қилдик. Айни вақтда 3-3,5 миллион сўм атрофида маош олиб, оиласининг фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Турмуш ўртоғи эса аввал нон ёпиш билан шуғуллангани учун новвой сифатида ишга жойлаштирдик. Ҳозир 2-2,5 миллион сўм даромад

топаяпти. Шу кунга қадар кичик қизи учун болалар нафақаси олиб келаётган оила вакиллари меҳнат қилишни бошлагач, кам таъминланган оила рўйхатидан чиқарилди. Нилуфар опа даволаниб, саломатлигини бироз тиклаб олгач, турмуш ўртоғига ёрдам беришни мақсад қилган.

Айни вақтда кичик бир лойиҳа устида иш олиб бораёмиз. Андиқроқ айтилган бўлсам, “Камбағал оилалар реестри”да турадиган Машхура Бекжоновга ҳоким ёрдамчиси билан бирга кредит ажратмоқчимиз. У яқинда аёллар сартарошлиги бўйича ўқиб келди. Энди гўзаллик саломи очиб, ўз тadbirkorлигини бошламоқчи. Хатто ёнига 5 нафар қизни шоғирдикка олишни режалаштиряпти. Шу тарзда бир фуқарони камбағалликдан фаровонлик сари йўналтиришга эришдик.

Бундан ташқари, онаси ва фарзандини парваринлаётган икки нафар фуқарога шахримизда ташкил этилиши кутилаётган кундузги қараб туриш хизматини тақлиф қилмоқчимиз. Натижада ногиронлиги бўлган фуқаролар муносиб шароитда вақтинчи мазмуни ўтказишга, қолганлар эса меҳнат қилиб, рўзғорига барака киритишга эришади.



**АТРОФДАГИЛАРГА ЁРДАМ ҚЎЛЛАРИНИ УЗАТИБ, МУШКУЛИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАР ЭКАНМАН, ЎЗИМ ҲАМ БИР ҚАДАР ЕНГИЛ ТОРТГАНДЕК БЎЛАМАН.**

Бъзан хонадонларга кирганимда, муҳтож кишиларнинг умид билан кўз тикиб турганини кўриб, уларга таскин бергим, катта натижаларни ваъда қилиб, кўнглини кўтаргим келади. Лекин касбий этикамиз нуқтаи назаридан инсонларни ҳали ушалоши аниқ бўлмаган нарсаларга ишонтириб қўйиш мумкин эмас. Фақат вазиятдан келиб чиқиб, муаммолар комплекс ўрганилгандан кейингина қонунчилик асосида иш кўриш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Бир қарашда анча мураккаб ва катта куч талаб қиладигандек кўринадиган ижтимоий ходим лавозими, аслида, жуда мароқли иш. Турли йўналишларда фаолият юритиб, охири қалб касбимни топдим. Атрофдагиларга ёрдам қўлларини узатиб, мушкулни енгил қилар эканман, ўзим ҳам бир қадар енгил тортгандек бўлам. Уларнинг хурсандчилиги ҳаёт мазмунига айланган, десам хато бўлмайди.

Айни вақтда маҳалламиздаги 60 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога шу ёндашув асосида хизмат кўрсатиб келяпмиз. Улар



## КИЧИК ҚАДАМ БИЛАН КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ

Илҳос Мавлонов Китоб туманида яшайди. 3 нафар фарзанди бор. У Қозоғистон давлатига бориб, бахтсиз ҳодиса сабабли бир оёғидан айрилган...

Маҳалладаги ижтимоий ходим Сарвиноз Умаровага мурожаат қилганидан сўнг, унга “кейс-менеджмент” асосида ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, фуқарога ногиронлик гуруҳи белгиланди. Юридик хизмат кўрсатилди. Турмуш ўртоғи Феруза опага қаровчилик далолатномаси расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, Илҳос ака ва Феруза опа санаторийга бориш учун набатга қўйилди. Дори-дармон учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий маблағ ажратилди. 3 нафар фарзандига болалар нафақаси тайинланди. Қонунчилик ҳужжатларида бепул берилиши мумкин бўлган дори-дармон билан таъминланди. Кичик фарзанди имтиёзли равишда мактабга таълим ташкилотига жойлаштирилди. Илҳос ака замонавий оёқ протезига



эга бўлди.

Тақдим этилган реабилитация техник воситалари ва кўрсатилган ижтимоий хизматлар натижасида Илҳос Мавлонов ҳаракатланиши бошлади. Яқин кечада балиқчилик билан шуғулланишни мақсад қилган.

**Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот хизмати.**

КўРСАТКИЧ

## ҚАЙСИ ХУДУДДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАНЛАР КўПРОҚ?

**2025 йил биринчи чорак якунига кўра, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар сони 1 031 609 нафарни ёки аҳолининг 2,7 фоизини ташкил этди.**



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, юқоридагилардан 173 минг 285 нафарини – I ёшгача бўлган болалар, 94 минг 722 нафарини – I гуруҳ, 695 минг 372 нафарини – II гуруҳ, 67 минг 6 нафарини – III гуруҳ ногиронлиги бўлганлар ташкил қилади.

Ногиронлиги бўлганларнинг 465 минг 645 нафари ёки 45 фоизи аёллар, 565 минг 964 нафари ёки 55 фоизи эркаклар ҳисобланади. Ёш бўйича энг юқори кўрсаткич 30 ёшдан пенсия ёшигача бўлганларда (493 минг 879 нафар) белгиланган.

2025 йилнинг ўтган даври мобайнида тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан 17 минг 499 нафар шахсга бирламчи, 41 минг 487 нафар шахсга қайта ногиронлик белгиланган. Бирламчи ногиронлик, асосан, қон айланмиш аъзолари касалликлари (2 808), суяк-мушак тизими хасталиклари (1 900), тўғма нуқсонлар (1 724), эндокрин муаммолар (1 580), асаб тизими касалликлари (1 349) бўйича белгиланган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳудудлар кесимида энг юқори кўрсаткичи Самарқанд (110 минг 189), Қашқадарё (108 минг 41), Фаргона (94 минг 395), Андижон (88 минг 470) ва Сурхондарё (88 минг 470) вилоятларида, энг паст кўрсаткич Сирдарё (38 минг 123), Жиззах (44 минг 496), Навоий (48 минг 172) ва Бухоро (60 минг 446) вилоятларида кузатилган.

# “Камбағалликдан фаровонлик сари”: ҳар бир фуқаро учун янги имконият дастури

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган тизимли нелоҳотлар ва тўпланган миллий таъриб, шунингдек, илгор ҳалқаро амалиёт асосида янги босқичга қадам қўйилди.

**Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.**

**2024** йил 1 ноябрдан бошлаб, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилмоқда.

Дастур камбағалликни бар тараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни ўз ичига олиб, фуқароларнинг ўз ҳаё-



ти ва фарзандлари келажагига масъулият билан ёндашишга ундайди. Мазкур дастур “Камбағал оилалар учун етти та имконият ва масъулият” тамойили асосида амалга оширилади. У барқарор бандлик ва юқори даромад топиш имконияти, таълим олиш ва касб-хунар ўрганиш, кафолатланган давлат тиббий хизмати ҳамда ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиш каби назарда тутаети. Шунингдек, дастур доирасида фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш, маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, давлат органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш асосий мақсад қилиб олинган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан дастур ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида вилоятда 55 минг 452 та оила

билан махсус саволнома ўтказилди. Уларнинг ижтимоий ҳолати чуқур ўрганилиб, 17 минг 737 таси “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Ушбу оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларни оғир ижтимоий вазиятдан чиқариш учун 10 минг 823 та оила учун индивидуал режа ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида қўлаб оилалар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлаётгани кўзга ташланмоқда. Масалан, Жондор туманидаги “Кўлиён” маҳалласида яшовчи Феруза Раҳимованинг оиласи дастур ёрдамида фаровонлик сари қадам ташлаган оилалардан биридир. Ижтимоий ходим оиланинг ҳолатини ўрганиб, қўлаб ёрдамлар кўрсатди. Хусусан, тикув машинаси олиб берилиб, бандлик имконияти яратилди. Кичик фарзанди боғчага бепул жойлаштирилди. Катта фарзандлари хорижий тил тўғрисида жалб этилди. “Аёллар дафтари” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Табиий газ ва электр энергияси учун компенсация тўланди. Бундай индивидуал ёндашув на-



**Дастур доирасида қўлаб оилалар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлаётгани кўзга ташланмоқда.**




тижасида Феруза опа оиласининг даромади ошиб, уларнинг турмуш сифати сезиларли даражада яхшиланди.

Дастур доирасида келгусида ҳам ишлар изчил давом эттирилади. “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оилаларга жами 67 минг 89 та ижтимоий хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Эътибор, аввало, уларнинг барқарор бандлигини таъминлаш,

ижтимоий хизматлар ва тиббий ёрдамдан фойдаланишини кенгайтириш, яшаш шароитларини яхшилаш, таълим ва касб-хунарга йўналтириш каби йўналишларга қаратилади.


Шубҳасиз, ҳар бир оила фаровонлиги – жамият фаровонлигининг асоси. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури эса бу йўлда ҳар бир фуқаро учун янги имконият эшигини очди.



Лотерея ва букмекерлик лицензия асосида амалга оширилаётган фаолиятлар қаторига киритилди.



Европа қизлар математика олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар 3 та медални қўлга киритди.



Олимлар ҳаёт белгилари мавжуд сайёрани топишди, унда бир йил 33 кун давом этади.

ШАРҲ

## АЖРАШГАН АЁЛГА УЙ ОЛИБ БЕРИШ МАЖБУРИЙМИ?

Бир оиланинг бузилиши, албатта, турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Қонуний ажрашиш, агар ўртада фарзанд бўлса, унинг таъминоти учун алимент ундириш ва уй-жой муаммоси ҳам ўртага чиқади.

Норгул АБДУРАИМОВА, журналист.



Чунки кўп ҳолларда қизлар турмушга чиққанидан кейин ота-онанинг уйидаги ўрнини маълум маънода йўқотади. Агар турмуш ўртоғи билан яшаш имконсиз бўлиб қолса, у энди асосатда қўлиб кетади. Кўп ҳолларда ажрашишдан кейин аёллар барибир ота-онанинг уйига бориб яшайди, ҳатто фарзандлари бўлса ҳам. Шу кунларда аҳоли орасида ажрашган аёлларга собиқ турмуш ўртоқлари томонидан уй-жой олиб берилиши мажбурий бўлгани ҳақидаги гаплар тарқалган. Бу қанчалик тўғри? Ахир уй-жой олиб беришга қурби етмайдиганлар ҳам бор, шундай эмасми? Бундай фикрлар 2025 йил 9 апрелда кучга кирган "Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонунни нотўғри талқин қилишдан келиб чиққан.

Мазкур қонуннинг 2-моддаси билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги низолар кўриб чиқиладиганда, суд тарафларнинг келишувига асосан, мулкдорнинг ташаббусига кўра, турар жойга мажбурий тартибда киритилаётган тарафни мулкдорга тегишли мутаносиб шароитларга эга бўлган бошқа турар жойга киритиш ёки ижарага олинган турар жой учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини мулкдорнинг зиммасига юклаши мумкин.

Демак, кўриниб турибдики, эр ажрашиб кетган аёлига уй-жой олиб бериши мажбурий, деган тушунча йўқ.

**Янги қоида никоҳдан ажралиб, тураржойсиз қолаётган шахслар ва фарзандларнинг уй-жой билан боғлиқ масаласини ҳал этишга қаратилган.**

Сир эмаски, ажралишдан кейин бошқа яшаш жойи бўлмаган шахслар, кўп ҳолларда аёллар фарзандлари билан собиқ турмуш ўртоғининг уйига суд қарори асосида мажбурий равишда киритиб қўйилиши амалиёти мавжуд.

Шу ўринда нега оила ажрашишдек жар ёқасига келган ўзи, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунга бериладиган жавобларнинг аксариятида ўртадаги совуққонлик, эрнинг тазийқ ва зўравонлик қилиши ёки оиладаги бошқа шахсларнинг аралашуви каби жиҳатларни келтириш мумкин.

Аёл (ёки эркак) уйга мажбурий киритилса, бу ҳолатлар давом этмайди? Албатта, давом этади. Ҳатто олдингидан баттарроқ вазиятлар юзага келган ҳолатлар бор.

Сенатда тақдим этилган маълумотларга кўра, 2024 йилда судларнинг тегишли қарори билан уй-жойга киритилган шахсларга нисбатан 6 та жиноят ва турли кўринишдаги 58 та маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган. Уй-жойга мажбурий равишда киритилган шахсларга нисбатан содир этилган тазийқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича 161 та ҳимоя ордери расмийлаштирилган. Шунингдек, ҳимоя ордерларида белгиланган чекловларни бузганлиги учун 30 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шу сабабли ҳам эндиликда ажрашган, уй-жойга муҳтож бўлган аёлларнинг бу эҳтиёж суд қарори асосида таъминланади. Яъни эркак собиқ аёли ва болалари учун имкони бўлса, уй-жой олиб беради, имкони бўлмаса, уларнинг ижарада яшашига шароит яратди. Ижара ҳақини тўлаб боради.

Қонун оиладаги низоларни ҳамда тураржой билан боғлиқ масалаларни қонуний асосда ҳал қилишга, шунингдек, аёллар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

## Субсидия бўйича хотин-қизлар фаоли ҳам таклиф киритса...



Айна КАРСИБЕКОВА, Конимех туманидаги "Наврўз" маҳалласи хотин-қизлар фаоли, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони соҳибаси.

Хар бир ишда тажриба ва малака катта аҳамият касб этади. Йиллар давомида инсон ўзи меҳнат қилаётган фаолият турини янада пухтароқ ўрганади. Аввалига адашиб, хатога йўл қўйиб, кейин керакли хулосаларни чиқаради. Маҳалла тизимидаги 15 йиллик фаолиятим давомида бу соҳанинг жуда кўп ҳақиқатларини англаб етдим. Энг муҳими, ҳалқ билан ишлайдиган киши бошқаларни ортдан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлиши



талаб этилар экан. Қолаверса, сиёсий ва ҳуқуқий билимдонлик кўплаб муаммо эшикларини очадиган қалит демек.

Айни вақтда маҳалламизда 1 300 нафар хотин-қиз истикомат қилса, уларнинг ҳар бири билан кайфияти, турмуш шароити, қизиқишларидан келиб чиқиб муо-

мала қилишга уринаман. Айниқса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир даврда интилган, шижоати бўлган опа-сингилларимизни эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

Мазкур йўналишда самарали натижага эришиш мақсадида хотин-қизларни қандолатчилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш каби фаолият турларига жалб қилишга эришялмиз. Кундан-кунга ўз ғояларини амалга оширишга киришиш истагидагилар сони ортиб бормоқда.

Шоҳсанам Бобоёрова боқувчисини йўқотгандан кейин бир нафар фарзанди билан анча қийналиб қолди. Рухий тушкунлик уни анча вақтгача тарқ этмади. Ўз қобилиятига ўралиб, ҳеч кимга қўйилмай қўйганди. Унинг ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида кредит олишни тавсия қилдик.

Аввалига тавakkал қилишга бироз ҳайиқди. "Еттилик" вакиллари билан берган далдаси ва қўллаб-қувватлаши билан бугун катта натижаларга эришиб келяпти. Хонадонда тўрт нафар ишчиси билан бирга яримтайёр овқатларни қадоқлаб, ён-атрофимиздаги дўконларга топши-

ради. Доимий харидорлари бисёр. Бундан ташқари, Шоҳсанам коллежда молия соҳасини тамомлагани боис, маҳалламизда банк вакили сифатида расман фаолият олиб борапти.

Бир инсоннинг эришган ютуғи, албатта, унинг атрофидагиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шоҳ-

санамнинг тавakkал ортидан бугун яхшигина даромад соҳибига айлангани Шалола Муродовани ҳам қизиқтириб қўйди. Бир ойча аввал идорага келиб, нон ёпиб сотиш ҳамда яримтайёр овқат ишлаб чиқариш бўйича маслаҳат сўради. Кўрсатилган йўл-йўриқ ва берилган ёрдам бесамар кетмади. Бугун синглимиз кунига 50 донадан кўпроқ нон сотаяпти. Ҳатто ёнига 2 нафар ёрдамчи олишига тўғри келди. Кечқурунлари эса чучвара тугади. Қўли-қўлига тегмай, тинимсиз меҳнат билан банд бўлса-да, чарчоқ нималигини билмайди. Орзулари ушлагани, ҳаракатлари у кутгандек натижа бераётгани аёлни янада илҳомлантирмоқда.

Жорий йилда шундай юрагида ўти бор аёлларни кашф қилиш ниятида ишсиз хотин-қизларни лидер тадбиркорларга бириктиришни ният қилганмиз. Бунда вазиятдан келиб чиққан ҳолда кимнидир касб-хунарга ўқитсак, айримларини "устоз-шоғирд" аънасига кўра банд қилмоқчимиз.

Маҳалладошларимизга баъзан четдан туриб, разм соламан. Кўпчилиги олдингига қараганда фаолашиб қолган. Эшигидан кимдир ёрдам таклиф қилиб келишини кутиб ўтирадиганлар умуман йўқ. Ҳамма ўзи, фарзандлари ва оиласи фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилапти. Шу каби хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун субсидия асосида фақатгина тикув машинаси ёки печь эмас, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб бошқа ёрдамлар ҳам берилишини хоҳлардим. Қолаверса, ҳоким ёрдамчисидан ташқари, хотин-қизлар фаолига ҳам кимга қандай субсидия ажратиш бўйича ўз таклифини киритиш ваколати берилса, яхши бўларди.



ТАДҚИҚОТ

## БАХТНИНГ ФОРМУЛАСИ БОРМИ?

ОИЛА ВА ГЕНДЕР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ УТҚАЗГАН ТАДҚИҚОТГА КўРА, ЎЗБЕКИСТОН ОИЛАЛАРИНИНГ БАХТЛИЛИК ИНДЕКСИ +0.56 Кўрсаткичини ташкил этади.



Энг бахтли оилалар Хоразм, Сирдарё ва Наманган вилоятларида истикомат қилади.

**Оила бахтнинг асосий омиллари:**

- ✓ бахтли оилаларнинг 92 фоизиди ўзаро тушуниш устувор ўринда туради;
- ✓ моддий етишмовчилик оилавий муаммоларнинг 41 фоизини ташкил этади;
- ✓ ота-оналарнинг 80 фоизи фарзандларнинг ҳар томонлама барқамол ва тарбияли бўлишини бахтлиликнинг асосий омилли деб билади.

ЭЪЛОН

Досимбаева Турсун Сулеймановна номига 1993 йил 14 январда 04-21/12 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

МАНЗАРА

ЛАВҲА

## Бараканинг калити – ҳаракатда

БЕДАНА БОҚИШ ВА КўПАЙТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ЯХШИГИНА ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛАНГАН. БУ ЖОНЗОТ АНЧА МАҲСУЛДОР Бўлиб, МОДАСИ БИР ЙИЛДА 250-255 ТАГАЧА ТУХУМ Қўйиши мумкин.

Бедана гўшти ва туҳумларининг ғаройиб шифобахш хусусиятлари сабабли унга доим талаб юқори.

Буни яхши англаган Шўрчи туманидаги "Элбаён" маҳалласида яшовчи Муниса Раҳмонова уйда бедана боқишни бошлади.

– Дастлаб беданаларимиз сони етти юзтани ташкил этарди, – дейди Муниса Раҳмонова. – Ҳозирда улар икки мингтага етди. Беданалар бир кеча-кундузда 2-3 марта озиклантирилади. Омикта еми таркибиде дон, арпа, сули, майдаланган маккажўхори унлари аралашмаси бўлади. Битта бедана олти ой давомида тахминан 130 тача туҳум беради.

Қувонарлиси, Муниса Раҳмонова турмуш ўртоғининг кўмаги билан бедана жўжаларини инкубатор ёрдамида кўпайтирмоқда. Келгусида фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилган бу аёл маҳалладошларига ҳам бедана боқиш сир-синаотларини ўргатмоқда.



– Меҳнат қилган, самарали фаолиятни йўлга қўйган киши бой-бадавлат бўлаётганини ҳар биримиз кўриб, гувоҳи бўлялмиз, – дейди Шўрчи тумани ҳокими ўринбосари Зулфия Шерова. – Аслида, бирор-бир ютуғимиз ҳақида гапирганда, фермерликнинг, тадбиркорликнинг кетидан эришялмиз, деймиз. Йўқ, аввало, булар учун таъзимин бўлиб хизмат қилган омил мавжуд. У ҳам бўлса, Бош қомусимиздир. Ахир, бизнинг тадбиркорлик қилиш, эркин ишлаш ҳуқуқимиз унда ўз аксини топан. Фаолиятимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарорлар ҳам шу асосда қабул қилинапти. Бунинг меъасини эса биз қўлга киритаётган ютуқларда ҳам кўриш мумкин.

Албатта, натижа қилинган меҳнатга яраша бўлади. Боз устига, яна бу меҳнат қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турилса, ишда унум, даромадда барака ортади.

НИГАНА ШОЕВА, журналист.



Ўзбекистонда ҳар йили “**ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДАСИ**” ўтказилади. Мусобақа ғолиблари уй, автомобиль каби қиммат-баҳо совғалар билан тақдирланади.



“**МАҲАЛЛА ЛИГАСИ**”, “**МАКТАБ ЛИГАСИ**”, “**ТАЛАБАЛАР ЛИГАСИ**”, “**ВАЗИР КУБОГИ**” ва “**КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУБОГИ**” каби мусобақалар ташкил этилади.



Футбол бўйича U-17 терма жамоамиз 20 апрель кuni **ОСИЁ КУБОГИ-НИНГ ФИНАЛИ**да Саудия Арабистони қарши майдонга тушади.

## БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОР ИМИЗ!

Бугун ўзининг соғлигига бефарқ бўлмай, соғлом турмуш тарзини танлаганлар учун кўплаб спорт машғулоти бор. Махсус спорт залларига боришга вақт ёки маблағ топмаётганлар учун уй шароитида шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари мавжуд. Фақат хоҳиш ва истак бўлса кифоя.

БАДАНТАРБИЯ

ЭСЛАТМА

### СТЕП-АЭРОБИКА: МУСКУЛЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Ш**ундай спорт турларидан бири – степ-аэробика ҳисобланади. Аэробиканинг бу тури билан нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам шуғулланиши мумкин. Бу спорт турида, асосан, гавданинг пастки қисм мускуллари ҳаракат қилади. Бу эса гавданинг шу соҳасида муаммоси бўлганлар учун фойдали. Бундан ташқари, аёлларда кўпинча туғуруқ вақтида олган ва бола гавдасининг пастки қисмидаги ҳар хил шикастланишларнинг яхшиланишига ёрдам беради.

Степ-аэробиканинг моҳияти бир маромдаги қадамларни ўз ичига олади. Машғулотларни бажаришда бош баланд кўтарилган, елка туширилган, қорин тортилган, бел тикка ҳолатда бўлишига аҳамият бериш керак. Бу усуллари бажариш алоҳида эътиборни талаб қилмайди, асосан, бир неча асосий қоидаларга амал қилсангиз бас.

Ушбу спорт тури билан уйда ҳам шуғулланса бўлади. Бунинг учун унча баланд бўлмаган тахтали ўриндик ва машқ тўплами бўлса кифоя. Бироқ фитнес залида шуғулланишнинг самараси кўпроқ. Чунки гуруҳ бўлиб шуғулланиш кишига ғайрат беради. Агар машғулотлар рақс ритмида бўлса, янада самаралироқ бўлади.

Машғулотларни бажаришда оёқлар платформада бир хил қадам ҳолатида туриши керак. Оёқ қафти осилиб турмаслиги шарт. Платформага кўтарилишда оғирлик белга эмас, оёқ мускуллари орқали кечиши керак. Гавда ҳар доим тўғри туриши лозим. Ҳеч қачон кескин ҳаракат қилиш мумкин эмас.

Мазкур спорт турини америкалик Жина Миллер ишлаб чиққан. У тизмасидаги жароҳатдан кейин уй қанотидаги зиналардан фойдаланиб, машғулотлар бажарган. Ажойиб натижага эришгач, Жина ўзининг бутун аэробика тартибини ишлаб чиққан.

Юқорида айтилганидек, фитнеснинг бу тури гавданинг пастки қисмини ҳаракатлантиради. Шунинг учун спорт клубларида степ-аэробикани спортнинг бошқа турлари билан икки ҳафтада бир марта аралаштириб турилади.

Шуни унутмангки, ҳар қандай спорт тури билан шуғулланиш, соғлигингизга, чўнтагингизга фойдалидир. Шундай экан, бугундан бирор спорт тури билан машғул бўлишни бошланг.

Степ-аэробика организмга яхши натижа кўрсатади. У юрак-қон томирлари, нафас йўллари, асаб ва мускулларни мустаҳкамлайди. Қон босимининг меъёрлашига ёрдам беради. Аэробика мускулларни машқ қилдиради, танамизни келишган ва ҳолатимизни яхшилашда ёрдам беради.

“Кириешки”, “хрустяшки”, чипс, “фаст-фуд”, энергетик ва газланган ичимликлар... Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бу каби маҳсулотларни кундалик таомнамодан чиқаришни тавсия қилади.



Bolajonlarga bu mahsulotlarni olib bermang!



**СОҒЛОМ ҲАЁТГА БИРИНЧИ ҚАДАМНИ ҚЎЙИҢГ!**

**К**олаверса, улар юртимиздаги умумтаълим муассасаларида рухсат этилмайдиган озиқ-овқат ва ичимликлар рўйхатида киритилган. Шу боис болажонларга бу маҳсулотларни олиб берманг. Чунки чуқур ишлов берилган бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта ишлов бериш босқичларидан ўтган, табиий ҳолатда бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Бу маҳсулотларга ширин йогуртлар, сирок, чипс, чупа-чупс, “кириешки” мисол бўлади. Улар кимёвий ва таъм берувчи моддалар, консервантлар ҳамда бўёқларни ўз ичига олади. Бу эса соғлиқ учун жиддий таҳдидларга олиб келади.

Чуқур ишлов берилган бу таомлар кўпинча юқори микдорда туз, ёғлар ва қандни ўз ичига олади. Бу эса юрак хасталиқларига олиб келиши мумкин. Шакар ва юқори гликемик индекси бўлган озиқ-овқатлар қондаги қанд даражасини, айниқса, қандли диабетнинг 2-тур хавфини оширади. Шунингдек, чуқур ишлов берилган маҳсулотлар кўпинча калорияга бой, аммо озиқ моддалар кам бўлиб, семиришга олиб келади.

Баъзи кимёвий моддалар ва консервантлар саратонни ривожлантиради. Бу маҳсулотлар организмнинг моддалар алмасишига таъсир қилиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Шундай экан, табиий ва ишлов берилмаган озиқ-овқатларни танлаб, соғлигингизни сақланг! Соғлом ҳаётга биринчи қадамни қўйиҢг!

Соғлиқ сақлаш вазирлиги

### ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

**Жамол ТҲУХТАСИНОВ.** Андижон вилояти:

– Бир дўстим интернетдаги “A.I.F” иловаси орқали юборилган видеоларга “лайк” босиш орқали пул топишни тавсия қилди. Бу иловада пул топишнинг тартиби шуки, унда бир неча босқич бўлиб, биринчи босқични 50 долларга, иккинчи босқични 200 долларга, учинчи босқични 500 долларга ва кейинги босқичларни шунга ўхшаб кўтарилган нархда сотиб олади. Бу илова орқали даромад қилиш учун иштирокчи ортидан одам қўйиши шарт. Ортидан қўйган одам қўйишнинг 10 фоиз қўшувчига бонус сифатида берилади. Шунга ўхшаш дастур орқали пул топиш мумкинми?

### ТУРЛИ ИЛОВА ВА ДАСТУРЛАР ОРҚАЛИ ПУЛ ТОПИШ МУМКИНМИ?

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:**

– Ҳозирги кунда интернет тармоғида фирибгарлик йўли билан одамларнинг маблағини ўзлаштириш ҳамда нопок йўллар орқали пул топишнинг турли йўллари урчиб кетган. Бу мақсадда турли илова ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар орқали пул топиш шариятимиз кўрсатмаларига асло тўғри келмайди. Чунки уларнинг ишлари судхўрликка асосланган бўлиши билан бирга, қимордан ҳам холи эмас. Ҳар иккиси ҳам ботил йўл билан пул топиш саналгани учун динимиз уларни қатъиян таъқиқлаган.

Саволда айтиб ўтган илова ва унинг босқичларига эътибор берилса, у тармоқли маркетингнинг бир туридир. Тармоқли маркетинг инсонларнинг молини ноҳақ йўллар билан ейишликдан иборат. Шунинг учун ҳам унинг барча турлари-



ни Саудия Арабистони Фатво Кенгаши, Ал-Азхар университети профессори Хусайн Шаҳхата, Қатар давлат университети Ислам шариати факультети профессори Али Мухйиддин ва бошқа кўплаб кўзга кўринган ташкилот ва уламолар ҳаром деб фатво чиқарган.

**Аллоҳ таоло Ўзининг Каломида шундай марҳамат қилган: “Эй, мўминлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангизлар! Узро розилик**

асосидаги тижорат бундан мустақило. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм шафқатлидир” (Нисо сураси, 29-оят).

Барча Ислам уламоларига кўра, мазкур ояти қаримдаги мол-мулкларни ўртада ноҳақ йўллар билан ейишликка қимор, судхўрлик, товламачилик, ўғрилик ва ёлғон гапириб савдо қилиш каби барча ношаръий



кўринишдаги битимлар қиради. Бундан ташқари, киши “лайк” босиш учун мазкур иловаларни очиб, ундаги видеоларни томоша қилишиги вақтни беҳуда сарфлаш, яъни умрни исроф қилиш ҳисобланади. Мусулмон учун Аллоҳ берган умрни на дунёсига ва на охиратида фойда бермайдиган ишлар билан банд қилиб ўтказиши катта хатодир ва бунинг учун қиёматда афсус-надоматлар қилади.

Бу ҳақида ҳадиси шарифда бундай дейилган: Муоз ибн Жабал розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Қиёмат кунини банд қилган сўралмагунча оёқлари ўрнидан силжймайди: умрини нимага сарфлагани, танасини нима билан қаритгани, бойлигини қаердан топиб, қаерга ишлатгани ва илмига қандай амал қилгани”, дедилар. (Сунани Доримий). Мусулмон киши буларнинг ўрнига дунёсига, юрт ободлигига ҳамда охиратида манфаат берадиган ишлар билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ.